

## КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторантни

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7297945>

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик бизнес ва уни бошқаришининг методологик асослари, шакллари, методлари ва хусусиятлари ўрганилган бўлиб, кўплаб хорижий ва маҳаллий олимларнинг назарий қарашилари бошқарув ва менежмент категориясига берилган таърифларда ўз аксини топган. Кичик бизнес ва уни бошқаришининг методологик асосларини тадқиқ этишида, аввало бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланиши даврларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириши бўйича хulosалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, бошқарув, менежмент, кичик бизнесда тадбиркорлик шакллари, методлари, хусусиятлари, рақамли иқтисодиёт, индустря 4.0.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ, ФОРМЫ, МЕТОДЫ И ХАРАКТЕРИСТИКИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЕГО УПРАВЛЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются методологические основы, формы, методы и особенности управления малого бизнеса. Изучены определения и теоретические подходы многих зарубежных и отечественных ученых к категории управления и менеджмента. При исследовании методологических основ малого бизнеса и его управления особое внимание уделялось периодам развития теории и практики управления. Также представлены выводы по совершенствованию управления малого бизнеса в условиях современной цифровой экономики.

**Ключевые слова:** малый бизнес, менеджмент, управление, формы, методы, особенности предпринимательства в малом бизнесе, цифровая экономика, индустря 4.0.

## METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT

**Abstract.** This article examines the methodological foundations, forms, methods and features of small business management. The definitions and theoretical approaches of many foreign and local scientists to the management and management category have been studied. In researching the methodological foundations of small business and its management, special attention was paid to the periods of development of management theory and practice. Conclusions on improving small business management in the current digital economy are also presented.

**Keywords:** small business, management, forms, methods, features of entrepreneurship in small business, digital economy, industry 4.0.

## КИРИШ

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнеснинг истиқболи, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни, аҳамияти ва ривожланишининг амалий жиҳатлари унинг назарий-методологик асослари, шакллари, методлари ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш заруриятини илгари сурмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки босқичи бўлган ва ижтимоий соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшаётган иқтисодий тармоқлардан бири - кичик бизнес ҳисобланади. Ўзининг кичик бизнес деган номига қарамасдан, барча тарақкий топган давлатлар иқтисодий қудрати ушбу фаолият турининг қанчалик ривожланганлиги билан баҳоланади. Ривожланган мамлакатларда 60-йиллар охири ва 70-йиллар боши кичик бизнеснинг гуллаган даврига тўғри келиб ва ҳозирга қадар ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб келмоқда. Кичик бизнес кўп давлатларда тадбиркорликнинг динамик қисми бўлиб, миллий иқтисоднинг ўсиши учун муҳим тармоқ сифатида шаклланди.

Кичик бизнесга – ўзининг мулки ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради. Россиялик бир қатор олимлар М.Н.Дудин, Н.В.Лясников, А.С.Сенин томонидан чоп қилинган ўқув қўлланмасида кичик бизнесга умумқабул қилинган таъриф келтирилмаганлиги ва уни аниқлашда одатда, фаолият ҳажми, корхонадаги ишчилар сони каби меъзонлар билан аниқланиши келтирилган.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси маълумотларига кўра, қўшма штатлардаги барча компанияларнинг тахминан 99,7% кичик бизнеслардир ва улар 500 ходимларидан кам бўлган ва савдо-сотик ҳажми 20 млн доллардан ошмаган фирмаларни киритсалар, европа кичик ва ўрта бизнесида 250 кишигача белгиланган. Ўзбекистонда эса кичик бизнеснинг тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони қуидагича.

- ишлаб чиқаришда 20 киши;
- хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқаришда 10 киши;
- улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланишда 5 киши;
- енгил ва озиқ-овқатсаноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида 100 киши;

-машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида 50 киши;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 25 киши бўлган кичик корхоналар киради.

### 1.1-жадвал

#### Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кичик бизнеснинг иқтисодий кўрсаткичлари	2016	2017	2018	2019
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ва ЯҲМ даги улуши (%) да	64,9	63,4	60,4	56,5
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда банд	10 397,5	10 541,5	10 128,8	10 313,4

	бўлганлар сони (минг киши)			
--	-------------------------------	--	--	--

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши 2019 йилда 76,2 % ни ташкил этиб, ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби бўйича 2019 йилда товар ишлаб чиқариш 58,7%, хизматлар ишлаб чиқариш 32,2% га ётди. Хусусий корхоналар пул айланмаси 2020 йилга нисбатан 33 % га ўсди. Тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 13 % га ўсди.

Кўпгина тадқиқотлар кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини тасдиқлади. Хусусан, россиялик тадқиқодчи олимлар “Иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнес асосан ўрта аҳоли қатламишинг даромадларини таъминлаган ҳолда, иш жойларини яратади ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини белгилайди” деб тарифлашса, профессор М.Мухаммедов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан қандай вазифаларни ҳал қилинишига эришишини шартли равишда уч турга бўлди:

1. Яқин йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушкини 60-70 % га кўтариш;
2. Бу соҳани асосий омилларидан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш ва улар даромадларини кўпайтиришга эришиш;
3. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишинг энг самарали воситаси сифатида мулқдорларнинг кичик ва ўрта синфини шакллантириш.

Келтирилган иккала таърифда ҳам кичик бизнес мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашда не чоғлиқ муҳим соҳалардан бири эканлиги таъкидланиб, бу соҳани ривожлантиришда, аввало, унинг бошқаруви аҳамиятини англаш муҳимdir.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бизнес ва бошқарув масалалари дастлаб бир неча асрлар олдин ғарб давлатларида пайдо бўлиб, кўплаб олимларнинг олиб борган тадқиқодлари фундаментал назарий-методологик асос бўлди. Жумладан, ғарб мамлакатлари олимларидан А.Смит, Ф.Тейлор, А.Файол, Л.Мизес, П.Друкер, М.Х.Мескон, И.Адизең ва россиялик олимлардан Н.И.Кабушкин, С.Шимилов, Л.И.Евенко, М.Н.Дудин, Н.В.Лясников, А.С.Сенин кабиларнинг ҳиссаси катта. Маҳаллий олимларимиздан С.С.Ғуломов, Ф.М.Қосимов, А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешов, Н.Х.Жумаев, М.Болтабоев, М.Қосимова, У.П.Умурзоков, А.Ж.Тошибоев ва бошқаларни келтириш мумкин. Кичик бизнес бошқарувини ўрганиш жараёнида дастлаб унинг методологик асосларини ўрганиш аҳамиятлидир. Яъни бизнесда бошқарувнинг шаклланиши, олимлар қарашлари, методлари, шакллари ва хусусиятлари жамланган.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бошқарув назарияси ва амалиётини ўрганишда уларни бевосида тўртта муҳим тарихий даврларга бўлиш мумкин. (1.2-жадвалга қаралсин). Биринчи давр қолганларига нисбатан анча давомли бўлиб, милоддан аввалги 9-7-мингйилликдан XVIII асртагача давом этган. Суқрот биринчилардан бўлиб, бошқарувнинг турли шаклларини таҳлил қилди. Иккинчи давр - саноат даври (1776-1856) бўлиб, Адам Смитнинг қарашлари ва Р.Оуэннинг таълимоти кўплаб замонавий илмий йўналишлар ва менежмент мактабларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Учинчи давр – тизимлаштириш даври (1856-1960)да бошқарув мактаблари, йўналишлари такомиллашди.

Мехнат ва бошқарувни илмий ташкил этиш асосчиси америкалик мұхандис Ф.Тейлор (1856-1915) менежмент илмий мактабини ташкил қилиб, бошқарув инқилобини шакллантирди. У бошқарувнинг тадбиркорлик фаолиятидаги аҳамиятини қуидагича изоҳлади: - “илмий менежмент ҳам ишчилар, ҳам тадбиркорларнингadolатли манфаатини таъминлайди ва бутун миллатга фойда келтиради деб айтиб ўтади.

### 1.2-жадвал

#### Бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланиш даврлари

Бошақрувнинг ривожланиш даврлари	Ўша даврдаги олимлар	Бошқарув даври моҳияти ва олимлар қарашлари
I 9-7- мингйилликдан XVIII асртагача	Сүкрот, Платон	Бу давр шаклланиш даври бўлиб, бошқарувнинг турли шакллари таҳлил қилинди.
II 1776-1856 йиллар	А.Смит, Р.Оуэн	Бу давр саноат даври бўлиб, олимлар таълимоти қўплаб замонавий илмий йўналишлар ва менежмент мактабларининг шаклланишига катта таъсир қўрсатди.
III 1856-1960 йиллар	Ф.Тейлор, А.Файол, Л.Мизес,	Тизимлаштириш даврида- бошқарув мактаблари, йўналишлари такомиллашди.
IV 1960 йилдан хозирги кунгача	П.Друкер, М.Х.Мескон, И.Адизес,	Ахборот даврида – бошқарувнинг янги инновацион моделлари шаклланди.

Кейинчалик эса тадбиркор ва бошқарувчи (менежер) ўртасидаги муносабатларни аниқлаган америкалик Людвиг фон Мизес (1881-1973) ушбу икки жиҳатни бирлаштириб, тадбиркор раҳбар сифатида ҳаракат қилишини аниқлаб, ғоя унга тегишли, бошқарувчи эса издош бўлиб, фақат ғояни ўзида мужассам этади ва гарчи маълум қобилиятларга эга бошқарувчи тадбиркорлик функцияларини бажаришга қодир бўлсада. Мизес бу фикри билан тадбиркорлик фаолиятида бошқарувчи (менежер)ларнинг ўрни корхона раҳбари даражаси каби тенглаштирилиб, самарали бошқарувни амалга оширишда менежерларнинг ўрни муҳим эканлигини асослади ва хозирги жаҳон амалиётда ҳам бу ўз тасдиқини топмоқда.

Хозирги кундаги менежмент тушунчаси XIX асрда саноат инқилоби даврида пайдо бўлди. “Илмий менежмент” асосчиси Ф.Тейлор биринчи бўлиб, бошқарув ва бошқарувчи атамаларини, менежмент ва менежер сифатида замонавий маънода ишлатди. Кейинчалик бу олимларнинг менежмент ва бошқарув тушунчаларига берилган таърифлари асосида шаклланиб борди.

### 1.3- жадвал

#### Бошқарув ва менежмент категориясига берилган таърифлар

Олимлар	Бошқарув	Олимлар	Менежмент
Л.И.Евенко	Бошқариш - бу	Л.И. Евенко	Менежмент - бу меҳнат, ақл,

	ташкilotning maқsadlarini shakllantiriш va уларга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, raғbatlantiriш va boшқariш жараёни.		бошқаларнинг ҳатти- ҳаракатлари мотивлари ёрдамида белгиланган мақсадларга эришиш қобилияти.
П.Друкер	Бошқариш - бу уюшмаган оломонни самарали, йўналтирилган ва самарали гурухга айлантирадиган маҳсус фаолият тури.	Р.Л.Дафт	Менежмент - бу режалаштириш, ташкил етиш, лидерлик (етакчилик) ва ташкилий ресурсларни назорат қилиш орқали ташкилий мақсадларга самарали эришиш.
А.Файол	Бошқариш дегани - тахмин қилиш, тартибга солиш, бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.	И. Адизес	Менежмент - бу ташкилот иэрархиясида ёки лавозимида маълум бир жойни эгаллаган одамлар гурухи эмас. Бу корпоратив мақсадларни аниқлаш, созлаш ва ниҳоят уларга эришиш жараёни.
У.П.Умурзаков, А.Ж.Тошбоев	Бошқарувнинг асосий мақсади – корхонани энг юқори натижаларга эришишга қаратилган ҳаракатларини амалга оширишни таъминлашдир.	F.М.Қосимов	Менежмент — бу ташкilotning мақсадига эришишидаги муносабатлар ва фаолиятларни режалаштириш, ресурслардан самарали фойдаланишини ташкил этиш, меҳнат тақсимотини оқилона мувофиқлаштириш, ходим орасида мойиллик механизмини адолатли кўллаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишдир.

Юқорида келтирилган таърифларда бошқарув ва менежмент тушунчаларининг туб  
моҳиятини очища жиддий натижаларга эришилганлигини ва бу тушунчалар бир-бирини  
тўлдириб келаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Бошқарув тўғрисидаги кўплаб адабиётларда менежмент атамаси аслида бошқариш  
атамасига синоним деб қаралса, улар аксарият ҳолларда тўлиқ синоним эмаслигини

Ғ.М.Қосимовнинг “Менежмент” номли дарслигига келтирилган бўлиб, бошқариш атамаси менежментнинг обьектида ишлатилганида у бир оз торроқ доирада фойдаланилса, инсон фаолиятининг турли қўринишларида кенг маънода қўлланилади (автомобилни бошқариш, давлатни бошқариш). Бу борада ғарб мамлакатлари олимларининг қарашларини ўрганиш мухим.

## МУҲОКАМА

Хозирги кунда жаҳондаги кўплаб компанияларнинг бошқаруви самарадорлигини оширишда ва юқори натижаларга эришишида доктор И.Адизецнинг ҳиссаси катта. И.Адизец фикрига кўра корхона ёки ташкилот менежменти тўрт функцияни бажариши керак: натижаларни ишлаб чиқариш, маъмурият, тадбиркорлик ва интеграция. Бу функцияларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш учун идеал бошқарувчи (менежер) бўлиши керак деган хуносага келди. Аммо бошқарув жараёни мураккаблигини таъкидлаб, дунёда идеал менежерлар йўқлиги ва ягона менежер бошқарув тизимини амалга оширишда қийинчиликларга сабаб бўлишини изоҳлади. Олим тадқиқотлари давомида бошқарув атамасининг синонимларини ғарб мамлакатларининг бирқанча машхур луғатларидан бўлган Funk & Wagnalls, Oxford Illustrated, Random House ва Webster’s Third New International кабилардан топди. Булардан айримлари: бажариш, рухсат бериш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ўзгартириш, рафбатлантириш, кузатиш, режалаштириш, ўргатиш, тартибга солиш, амалга ошириш, текшириш, қарор қабул қилиш, маъсулиятни ўз бўйнига олиш, йўналтириш, бошқарувда туриш ва шу кабиларни аниқлаб, “менежер” ёки “менежмент” сўзларини ишлатганда, шахсни эмас, балки табиий равишда ҳар доим ҳам раҳбарлик лавозимларида бўлмаган одамларнинг иштирокини ўз ичига олган жараённи назарда тутган. Адизец бизнес бошқаруви тўғрисидаги назарий ва амалий қарашларида, - “Агар сиз мижозларга керак бўлган нарсани ишлаб чиқармасангиз, самарасизсиз ва самарасизлик сизга рентабелликка эришишга тўсқинлик қиласди. Фойда – эса унинг мақсади эмас, балки яхши бошқарув натижасидир” деб таъриф берган. Бошқарувнинг замонавий мутафаккирларидар бири П.Ф.Друкер эса тадбиркорликни ўзига хос фаолият сифатида кўриб чиқиб, унинг мазмуни турли соҳалардаги инновациялар, шу жумладан менежмент билан боғлиқлигини асослади.

Друкер қарашлари И.Адизец йондашувига инновацион жихатидан яқин бўлсада, бошқарувга нисбатан фарқли. Друкер фикрича, кичик бизнесда – тадбиркорлик учун зарур ресурслар мавжуд бўлиб, у аллақачон бошқарув маҳоратига эга бўлиб, бошқарув гуруҳини тузган ва унда самарали бошқарув учун ҳам имконият ва масъулият мавжудлиги ва бозор рақобатида омон қолмоқчи бўлсалар, тадбиркорлик менежментида юқори технологиялар асосида бошқаришни олиб боришни ўрганишлари кераклиги айтилган.

Россиялик олим И.Н.Кабушкин ҳам бу борада ўзининг “Менежмент асослари” номли ўқув қўлланмасида бошқарувнинг ҳар бир ривожланиш даври ўтгани билан, бошқарув тўғрисидаги маҳсус билимларни ўрганиш мухимлиги ва илмий бошқариш деганда интуитив равишда кўлга киритиб бўлмайдиган методлар, усуллар, принциплар воситалар ва техникалардан фойдаланиш эканлиги таъкидлаб, буни менежмент асосларини англаш орқали ўрганилиши мумкинлигини айтиб ўтган. Кабушкин тадқиқотлари давомида бошқарув методларини изчил таҳлил қилиб, уларнинг кўплиги ва улардан муайян бошқарув муаммоларини ҳал қилишда энг самарали бўлганларини танлаш вазифасининг мураккаблиги ва мухимлигига аҳамият қаратди. Шунингдек, метод

тушунчасига таъриф бериб, унинг бир неча турларини келтирди. Яъни “метод” (усул) сўзи юончадан келиб чиқиб, мақсадга эришиш йўлини англатади.


Бошқарув усуллари орқали бошқарув фаолиятининг асосий мазмуни амалга оширилади. Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий адабиётларда бошқарув усуллари мазмуни, таъсир обьекти ва таснифининг ягона талқини мавжуд эмас. Айрим муаллифлар, бошқарув усулларини таркибига, бошқариладиган тизимга – маъмурий, иқтисодий, ижтимоий таъсир кўрсатадиган ташкилий шаклига қараб таснифлайдилар. Аммо, барча бошқарув усуллари бир-бирини табиий равишда тўлдириб, доимий динамик мувозанатда бўлади. Кабушкин бу усуллардан айримларини келтириб ўтди:

- ташкилий-маъмурий, тўғридан-тўғри кўрсатмаларга асосланган;
- иқтисодий, иқтисодий рағбатлантириш асосида;
- ижтимоий психологик, ходимларнинг фаоллигини ошириш учун ишлатилади.

А.Кремин эса ўз диссертация тадқиқотлари давомида хорижий олимларнинг ишларини умумлаштириб: -“Кичик бизнес – оммавий ҳодиса сифатида тушинилиб, унинг моҳияти рақобат шароитида кичик тадбиркорлик шаклларининг ўзига хос таваккалчилик фаолияти бўлиб, фойда олиш мақсадида иқтисодий, меҳнат ва бошқа турдаги ресурсларни инновацион ва қонунчилик асосида бирлаштириш соҳасида энг самарали ечимни топишдир деган холосаси кичик бизнес моҳиятини англашда, тадбиркорлик шаклларини ўрганиш не чоғлик муҳим эканлигини англагади.

Кичик бизнес бошқарувини тадқиқ этиш жараёнида унинг шаклларини аниқлаш ва бунда олимлар тадқиқот ишларини ўрганиш муҳим. Мамлакатимиз кичик бизнесида тадбиркорликнинг қандай шаклларда амалга оширилиши С.С.Ғуломов, У.П.Умурзаков, А.Ж.Тошбоев ва бир қатор олимларнинг ишларида акс эттирилган бўлиб, уларнинг назарий тадқиқотларини таҳлил қилган ҳолда, кенг қамровли куйидаги шаклларини туздик

## Кичик бизнесда тадбиркорлик шакллар



Келтирилган схемада бизнеснинг умумий шакллари билан биргаликда, кичик бизнесда тадбиркорлик шаклларининг бир қанча турлари яхлит тизим кўринишида ишлаб чиқилди. Кичик бизнес бошқарувини рақамли иқтисодиёт шароитида самарали олиб бориша унинг бу шакллари ва хусусиятлари моҳиятини аниқлаш, олиб бораётган тадқиқот ишимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Россиялик бир қатор олимлардан М.Н.Дудин, Н.В.Лясников, А.С.Сенин тадқиқотлари давомида кичик бизнеснинг бошқарувига атрофлича тўхталиб ўтиб, хорижий ва маҳаллий тажрибани таҳлил қилиб, унинг қуйидаги хусусиятларини айтиб ўтишган. Яъни, булар: маҳаллий иқтисодий шароитларга тезроқ мослашиш, кичик корхоналар ҳаракатининг катта мустақиллиги, қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда мослашувчанлик ва самарадорлик, менежмент харажатларинг пастлиги, шахс учун ўз ғояларини амалга ошириш учун кўпроқ имкониятлар, маҳсулотларга ва ишлаб чиқариш жараёнида ўзгаришларни тезда киритиш қобилиягини намоён этади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари маҳаллий бозорлардаги талаб даражаси тўғрисида яхшироқ маълумотларга эга, улар кўпинча маълум истемолчиларнинг буюртмаси билан товар ишлаб чиқарадилар ва ёлланган ишчиларнинг кўр сонли қисмларини ижтимоий эҳтиёжларини таъминлайдилар.

## ХУЛОСА

Таниқли хориж ва маҳаллий олимларнинг олиб борган тадқиқотлари кичик бизнес бошқарувининг назарий – методологик асосларини англаш фундаментал аҳамиятга молик. Шу ўринда, илмий-назарий қарашлардан келиб чиқиб, кичик бизнеснинг қуидаги хусусиятларини келтирдик.

Хозирги рақамли иқтисодиётда кичик бизнеснинг муҳим хусусилатларидан бири шундаки, янги технологияларни тадбиқ қилиш йирик бизнесга жорий қилишга нисбатан анча хатарсизdir ва унда замонавий - профессионал ишчиларни тайёрлаш самарали бўлиб, янги инновацион амалиётни ривожлантиришда жуда аҳамиятлиdir. Айниқса, кичик бизнес бозор конъюктураси ўзгаришига тез мослаша олиши, истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиши, ҳаракатчанлик, мослашувчанлик ва техник ўзгаришларни амалга ошириш каби ўта муҳим хусусиятларга эга. Шунингдек, бутун дунё бўйлаб рақамли технологияларнинг таъсири энг кичик ва ўрта бизнесда намоён бўлиши аниқ, чунки улар тез ўзгариб туради. Кичик корхоналарда, йирик корпорациялардан фарқли ўлароқ, ўзгартириш тартиби жуда оддий. Йирик корпорациялар рақамли янгиликларни амалга оширишда у қадар тезкор эмас. Бир томондан, бу катта бизнесга хатарларни камайтиришга имкон беради, чунки барча технологик янгиликлар узоқ муддатда самарали бўлмайди. Бошқа томондан, бундай кечикиш йирик компанияларнинг янги бизнес сегментида юқори даромадларни бўлишишда иштирок этишига тўсқинлик қиласди.

Демак, юқорида атрофлича тўхталиб ўтган XVIII-XIX асрдаги саноат инқилоби бошқарув назарияси ва амалиётида туб бурилиш бўлгани каби XXI-асрдаги 4 - саноат инқилоби ҳам барча иқтисодий жараёнларга, жумладан кичик бизнесга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Бу шароитда кичик бизнес бошқаруви ўз йўналишини тамомила ўзгартирган ҳолда, янги бизнес моделларни ўрганиш ва амалиётта жорий қилишни назарда тутади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси. 25.05.2000 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида видеоселлектор йиғилишидаги маъruzасидан. 08.04.2021 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Смит А. Исследование о природе и причина богаства народов. Пер. с англ. Предисл. В.С.Афанасьева. (Антология экономической мысли) М: 2007 г. 960 с.;
5. Ф.Тейлор. Принципы научного менеджмента: Пер.с англ. А.И. Зак; Научн. Ред. и предисл. Е.А. Кочерина. – М.: «Журнал «Контроллинг», (Классики менедж-мента; Вып.1) 1991 г.104 с.;
6. Анри Файлол Общее и промышленное управление Перевод Б.В. Бабина-Кореня с предисловием А.К. Гастева. Центральный институт труда. Москва. -1923. 120 с.
7. Друкер П. Энциклопедия менеджмента. : Пер. с англ. М. : Издательский дом "Вильяме", 2004. — 432 с.
8. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: «Дело», 1992.;
9. Дафт Р.Л. Менеджмент.-СПб: Изд-во «Питер», 2000 г.;
10. Адизес И. Идеальный руководитель: Почему им нельзя стать и что из этого следует. Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. — 262 с.

11. Кабушкин И.Н. Основы менеджмента: учеб. пособие. 11-е изд., испр – М.: Новое издание, 2009. – 336 с.;
12. Шимилов С. Стратегия современного предпринимательства и социального развития корпораций / Под ред. М.Н. Кулапова – М.: издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2004.;
13. Дудин М.Н., Ляскников Н.В., Сенин А.С. Менеджмент малого бизнеса (Управление малым предприятием): Учебное пособие. М.: Издательство «Элит», 2016 г. 397 с.;
14. Кабушкин И.Н. Основы менеджмента: учеб. пособие. 11-е изд., испр – М.: Новое издание, 2009 г. 336.
15. Кремин А.Е. Управление экономикой региона на основе развития малого бизнеса. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург 2018 г.27 с.
16. Peter Drucker "The dean of this country's business and management philosophers."—Wall Street Journal Innovation and Entrepreneurship HARPER NEW YORK. LONDON. TORONTO. SYDNEY. 285 р.;
17. Молоткова Н., Хазанова Д., Иванова Е. Малый бизнес в цифровой экономике. Россия 2019 г. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. “ШАРҚ” нашриёт матбаа. Тошкент 2002 й. 365 б.
18. Қосимов F.M Менжмент: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарсли к. Т.: Ўзбекистон, 2002. — 312 б.;
19. М.М. Мухаммедов, Н.А. Камилова Экономическая теория – Учебное пособие. - "TURON NASHR" Самарканد 2020 й. 476 б.
20. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент. «Молия» нашриёти. 2003 йил. 192 б.;
21. Жумаевнинг Н.Х., Болтабаев М, Қосимова М, Эргашходжаева Ш, Фойибназаров Б, Самадов А, Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. - Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011.—280 бет.;
22. Умурзаков У.П., Тошбоев А.Ж. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Сано-стандарт”, 2014.- 480 б.
23. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – T. 14. – C. 93-97.
24. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – T. 5. – C. 22-26.
25. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – C. 57-60
26. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
27. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT

28. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
29. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
30. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
31. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
32. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
33. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
34. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
35. <https://ec.europa.eu/eurostat/web/products-eurostat-news/-/EDN-20191125-1?inheritRedirect=true&redirect=%2Feurostat%2F>
36. [https://www.researchgate.net/publication/331785040\\_Small\\_Business\\_in\\_Digital\\_Economy](https://www.researchgate.net/publication/331785040_Small_Business_in_Digital_Economy)